








**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ:**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ**



ШОББОЗ Д.Ф.Х.У.  
300 тонна  
дон тайёр!

● «ФАЛЛА-97»

**ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН**




**Беруний тумани ҳокими Рейимбой Куронбоев билан галла ўрими-ийими жараёни билан танишиш учун бир хўжаликка бордик.**

Бу -- «Шоббоз» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси эди. Сап-сариқ тусдаги бугдой бошоқлари ларзон осилиб турган текис майдонда «Класс» комбайни қийналмасдан, бир маромда ишлапти. Бу юмушга жалб этилган одамларда эса айрича

гайрат-шижоат. ... Ваҳобжон Жумабоев ўз онла аъзолари меҳнати билан 30 сотих ерда етиштирилган бугдойни тарозидан ўлчаётган экан. Ҳосил 1200 килограмм тош босди. Бу -- гектар ҳисобига 40 центнер хирмон уйилди дегани. Аммо хирмонда яна 300-400 килограмм дон бор.

нинг ўзлари қуриқлашиб, ўзлари озиклантиришиди, энди эса ҳосилни ҳам ўзлари йиғиб топширишмоқда. Шу кунги даланинг ўзида кичкина тантана бўлиб ўти: гектар ҳисобига энг кўп ҳосил топширган галлакор Тугмажон Собирова рангли телевизор билан мукофотланди. У 16 сотих ердан 880 килограмм бугдой саранжомлаган эди. «Шоббоз» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари бу йил 108 гектар майдондан жами 357 тонна бугдой етиштиришни ният қилишган. Аммо пайкалларда 400 тонна ҳосил тўпланган. Шу боис галлакорлар уни тез ва соз йиғиштириб олиш пайида бўлмоқдалар. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг қарорига кўра, мавсумда энг яхши кўрсаткичларга эришган хўжаликка мукофот сифатида «Дамас» автомашинаси берилди.



**СУРАТЛАРДА:**  
(юқорида) зверо бошлиғи Бибиражоб Дусумбоев ҳосил чўғидан мамнун; тумани ҳокими Рейимбой Куронбоев мусобақада биринчи ўрнини эгаллаган зверо бошлиғи Тугмажон Собировага қимматбаҳо соврин топширмоқда; хирмон юксалмоқда.

**ЧАРЖАУ АБДИРОВ**



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон фани, мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Чаржав Абдилов шу йил 3 июль кунини 64 ёшида вафот этди. Бевақт ўлим йирик олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби, ўзининг бутун умрини тиббиёт фани тараққиётига, одамларга сидқидилдан хизмат қилишга, шоғирлар етиштиришга бағишлаган инсондан бизни жудо қилди. Чаржав Абдилов 1933 йил 20 декабрда Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ туманидаги Қораўзақ посёлкасида туғилди. 1955 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетини битирди. 1961 йили тиббиёт фанлари номзоди, 1973 йили эса, тиббиёт фанлари доктори илмий унвонини олди. У ўзининг бутун фаолиятини инсонлар саломатлигини сақлашга, хавfli касалликларга қарши курашга бағишлади. Ўзбекистон Тери-таносил касалликлари илмий-таъқиқот институтининг Қорақалпоғистон

филиали директори, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Нукус давлат университетининг ректори лавозимларида ишлади. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты сифатида Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари қўмитасига раҳбарлик қилиб келди. Экология масалаларига доир қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашди. Чаржав Абдилов мамлакатимиз ва чет элларда микробиология ва иммунология фанининг бир қатор замонавий йўналишларига асос солган етакчи олимлардан бири сифатида маълум ва машҳурдир. Олимнинг 130 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. У кўплаб юксак малакали мутахассислар тайёрлаб етиштирди. Олим ўзининг чинакам инсонпарварлиги, бугунги ва келajak авлод саломатлигини йўлида кўрсатган фидойилиги, юрт камтарлиги ва одамхушлиги билан юксак обрў-эътиборга сазовор бўлди. Унинг ҳалол меҳнати Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Аjoyиб инсон, йирик олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби Чаржав Абдилов хотираси қалбимизда абадий сақланб қолади.

И. Каримов, Э. Халилов, Ҳ. Султонов, А. Қосимов, И. Журабеков, Т. Алимов, У. Ашрбеков, С. Аvezматов, Т. Жураев, С. Камолов, К. Йўлдошев, Т. Ишанов, М. Қобулов.

● 4 ИЮЛЬ -- АҚШ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

**Бундан роппароса 221 йил аввал, 1776 йил 4 июль кунини 13 та Америка штати Мустақиллик декларациясини қабул қилди. Бу эса Колумб кашф этган сеҳрли китъада янги давлатнинг вужудга келишига асос бўлди.**

**ҚИТЪАЛАРНИ  
ЯҚИНЛАШТИРГАН  
ҲАМКОРЛИК**

тараққиёт йўлидан борди. Зотан, бу мамлакатга жаҳонда демократияга асос солган давлатлардан бири, унинг отаси, дея бежиз таъриф берилмайди. Мамлакатда қабул қилинган конфедерация моддаларига мувофиқ, бир палатадан иборат марказий ҳукумат тузилди. Конгрессда ҳар бир штат делегацияси битта овозга эга эди. Муҳим қарорларни қабул қилиш учун 9 та штатнинг маъқуллаши kifой, бирор ҳужжатга тузатиш киритиш эса бир овоздан кўллаб-қувватлангандагина кучга кирарди. 1787 йилда Род-Айленддан ташқари барча штатлардан делегатлар конфедерация моддасини янада такомиллаштириш мақсадида Филадельфияга тўпландилар. Миллий яшовчан ҳукумат тузиш ниятида йиғилган делегатлар аввалида Конфедерацияни сақлаб қолиш йўллари кидиради. Бироқ бу ҳолат ўзини оқламаглигини тўшунган делегатлар ҳукуматнинг янги тизимини яратиш устида бош қотирадилар. Уларнинг назарида ушбу тизим тўпланган барча муаммолар ечими бўлмоғи керак эди. Делегатлар бу йўлни топдилар ҳам. Дунё сиёсий тарихида энг аҳамиятли ҳужжатлардан бири -- Қўшма Штатлар Конституцияси яратилди.

Бугунги кунда АҚШ жаҳондаги энг нуфузли мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятида, сиёсий жараёнда етакчи роль ўйнайди. АҚШ Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. Утган қарий олти йил мобайнида Ўзбекистон -- АҚШ муносабатлари жадал суръатларда тараққий этмоқда. Хусусан, 1996 йилда Ўзбекистон -- АҚШ муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Президенти Ислам Қари-

мов раҳбарлигидаги делегациянинг АҚШга ташрифи ўта муваффақиятли ва самарали бўлди. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви алоҳида аҳамиятга молик. Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга доир кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга амалий ташрифи нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам салмоқли бўлди. Савдо ва тараққиёт бўйича агентлик, хориждаги хусусий сарможаларни химоя қилиш корпорацияси (ОПИК), йирик Америка компанияларининг раҳбарлари, шу билан бирга, Жаҳон банки президенти Уолфенсон билан ўтказилган музокаралар ҳам самарали кенди.

АҚШлик ҳамкорлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни кўллаб-қувватлабгина қолмай, бу ишда амалий кўмак бериш истagini ҳам билдирдилар. Йирик қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш фикрида эканлигини маълум қилдилар.

Айни пайтда АҚШнинг 200 дан ортиқ йирик компания ва фирмалари мамлакатимизда тенг шериклик ва ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, «Ньюмонт майнинг корпорейшн», «М. В. Кэллог компани», «Энрон», «Тексако», «Анг трайдинг групп» каби компания ва фирмаларнинг фаолияти диққатга сазовор.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топиб бораётганидан далолатдир.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**АПИФЕН**

мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.

Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан.

Шахар доримоналарига мурожаат қилинг.

Сўриб олганда фарма дўканинг.

● СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

**ТИЛДАГИ ҒАЛИЗЛИКЛАР**

Мен филолог эмасман. Шунинг учун ҳам билдираётган эътирозларим нотўғри бўлиши мумкин. Лекин шунини биламанки, русча гапдаги кетма-кетлик бизниқайдан фарқ қилади. Бунинг устига ҳар қандай гап эса, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва боғловчи бўлаклардан иборат бўлади, ҳар қандай сўз ўзидан кейинги сўз учун аниқловчи ёки тўлдирувчи бўлиб хизмат қилади. Рус грамматикасидаги кетма-кетликка эргашши шунчаликка борибдики, бўй-

руқ, қарор ва бошқа расмий ҳужжатларнинг тартиб рақамидан кейин «... соғли...» сўзи ёзмақда. Ахир, рақамдан кейинги чиқиш «...ничи» ёки «...ичи» маъносини беради-ку.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар, айниқса, халқ таълими ходимлари, журналистлар томонидан содир этилмоқда. Чунинчи, телевидениеда, «Ахборот»нинг 1997 йил 4 мартдаги кўрсатувида «юқори сифатли эркеклар пойабзали...», «...800 жуфт замонавий эркеклар ва аёллар пойабзали...» деган иборалар ишлатилдики, булар тахрира мўҳтож. Акс ҳолда, айниқса, ўқувчилар нотўғри ёзидиган ва таърирдиган бўлиб қолишади.

Яқинда давлат статистик ҳисоботи шаклидан бири кўлимга тушиб қолди. Унда «Жундан тўқилган эркеклар...», «Мўйналик аёллар...» деган ибораларни ўқидим. Бундай мисолларни



жуда кўплаб келтириши мумкин. Мен ушбу фикрлар юзасидан мутахассислар, филологлар ўз мулоҳазаларини билдиришди, деган эътиборим. Чунки буни асосида она тилимизнинг соғлиги, маънавият ва маърифатимизнинг қадрли, келажак авлодимизнинг тарбияси ётибди.

Тоғжой ТУРСУНОВ.

**Фахрланса арзигулик энг юқори сифат**

**Bio**

CS-7277PTR  
CS-6277PTR

Кафолат муддати - 2 йил

World BEST 29

SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи оғина мурожаат этинг.  
"Самсунг Электроникс Ко." Алматы ободис: Алматы, Орбита-3, 52"А" уй.  
Тел.: (372) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.  
Факс: 20-12-38.

**ТЕЛЕВИЗОРЛАР**

Мультирезим. БИО. Телематн. Ультразвасқи биокинескоп. Тасвирда тасвир функцияси (2 тюнер). Компактли юқори технологик дизайн. Бошқарув панелининг янги дизайни. Мультистерео (икки канал/NICAM). Овозни икки каналдан чиқариши. Ахборотни экранга бир неча тилда (инглиз, рус, венгер, поляк, чех) чиқариш функцияси. Паст шовқинли кучайтиргич. Тасвирни яхшилашнинг махсус занжири. Видео сигнални яхшилаш тизими. 100 каналли созлаш имконияти. Уйқу таймери /соатлар/ кўйиш/ўчириш таймери. Ранг, тиниқлик, аниқлик, овознинг баланд-пастлигини хотирлаб қолиш имконияти. Кабель телевидениеси учун гипер-частоталар полдосаси.

**Фирма дўконлари**

ТОУ Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темур кўчаси, 110	(3712)	34-02-58 35-09-86
Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712)	42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон.	(3712)	41-46-38
Отaxon	Фаргона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3732)	24-78-76
Наврўз	Андижон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422)	43-8-60

**SAMSUNG**

«Ўзлугржибиржасавдо» уюшмасининг жамоаси раисининг биринчи ўринбосари Усмон Ниёзова опаси  
**Мушаррафхон НИЁЗОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари қасаба уюшмаси марказий қўмитаси «Қорақалпоқсаноатхўжалиқлоиҳа» ҳиссдорлик жамияти қасаба қўмитаси раиси Клара Ғойиповага волидан муҳтарамаси  
**Аригула ЭСНАЗАРОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети ректорати Ўзбекистон Республикаси ФА Ер ҳақидаги фанлар бўлимининг раиси, академик Х. Акбаровга онаси  
**Маҳбуба АКБАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



БОЛАЛАР КУЛГИСИ ОЛАМНИ ТУТСА...

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли кўп тармоқли болалар санаторийи шу кунларда ўзининг 25 йиллигини нишонляпти.

Сўлим ўшада болаларни юрак-қон, нафас йўллари, ошқозон-ичак каби йиғирмага яқин турдаги хасталиклардан фориғ этиши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Бу лаҳзаларни қандай таърифлашни биймайсан киши. Чунки кулгилари дунёлари тўлдирувчи болаларнинг қувончлари катталарининг ҳам кўнгишларини тўлдирёттир.

Қорақалпоғистон Республикасига доир материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Х. АБДУСОДИҚ ва Т. КАРИМОВ (фото)лар тайёрлашди.



ТЕАТР

«ЧИМЛИДҚ» ФАРҒОНАДА

Умидли драматург Эркин Хушвақт қаламига мансуб «Чимлидқ» фольклор-этнографик спектакли саҳна санъати ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганлиги ҳеч кимга сир эмас.

СПОРТ

Олмалиқда гандбол бўйича хотин-қизлар командалари ўртасидаги анъанавий халқаро мусобақа нихоясига етди.

ГОЛИБГА... БРОНЗА МЕДАЛИ

Республикамиз спорт шаънини икки команда -- Тошкентнинг «Авиалобал-Жасур» ва Олмалиқнинг «Надежда» командалари ҳимоя қилди.

ЯНГИ ОРОМҒОҲ

«Соғом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Наманган вилояти бўлими барча туманларда қамқоналик касалига дучор бўлган юз нафар бола учун санаторий тусидаги оромгоҳ ташкил қилди.

«ҚОРАДОРИ-97»

САЛОМАТЛИК ЗАВОЛИ

... Операцияга Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги С. Зайниев ва киноат-кидиров бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Р. Кароматов бошчилик қилди.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

1997/98 Ўқув йилига қабул эълон қилади

Қабул 10 июлгача қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўлиб ўтади: халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар, халқаро журналистика, халқаро туризм.

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: имтиҳонларда иштирок этиш ҳақида ариза, баҳолари аъло ва яхши, ўрта бали 4,6 дан кам бўлмаган ўрта (ўрта махсус) маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома (ёки ҳарбий билет) абитуриент томонидан шахсан тақдим этилади.

Имтиҳонлар 12 июлдан 14 июлгача Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети биносида, кўп балли тизим бўйича, компьютерни қўллаган ҳолда тест синовлари орқали ўтказилади.

Университетда ўқиш учун пул тўланади.

Пул тўлови тест натижалари эълон қилингандан сўнг, Мандат комиссиясининг тавсияномаси бўйича пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш усули билан фақат банк муассасалари орқали 1997 йил 20 августгача амалга оширилади.

Университетга қабул қилиш рейтинг тизими бўйича олинган балларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш комиссиясининг қарори ва ўқув тўловини тасдиқловчи молиявий ҳужжат асосида амалга оширилади.

Университетда чет эл компаниялари, қўшма корхоналар, ассоциация, концерн, фирмалар буюртмаларига биноан контракт-шартнома асосида ўқиш имконияти ҳам мавжуд.

Манзил: 700137, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 71, «В» ўқув биноси. Алоқа телефони (3712) 67-08-30

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети юқори малакали ўзбек, инглиз, (немис, француз) тилларини мукаммал билувчи, жаҳон сиёсий тарихи, мамлакатшунослик, сиёсатшунослик, дипломатия, социология, умумий иқтисод назарияси, жаҳон иқтисоди ва савдоси, макроэкономика, молия ва валюта-кредит муносабатлари, менежмент, маркетинг, халқаро ва фуқаро ҳуқуқи, халқаро журналистика, информатика назарияси, маданият, руҳшунослик, инсоният тараққиётининг тарихий, маданий ва фалсафий муаммолари соҳалари бўйича олим ва мутахассисларни контракт асосидаги илмий-педагогик ишга тақлиф этади.

Меҳнат шартномалари ўзаро манфаатли индивидуал шартлар асосида, фан ва тилларни билиш даражасини аниқловчи суҳбат натижаларига кўра тузилади.

Ўқитувчиларнинг иш ҳақи олий ўқув юртларида амалда бўлган маошлардан юқоридир. Университет ходимларининг фарзандлари учун махсус ихтисослаштирилган гимназия очилган.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар дипломларининг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) 1997 йил 15 июлдан 10 августгача бўлган мuddат ичида 700137, Буюк ипак йўли кўчаси, 54 манзилида қабул қилинади. Алоқа телефони: 67-16-35.



Халқ СЎЗИ Народное Слово

Бош муҳаррир Аббосхон Усмонов. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Хуқуқ ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодий 36-36-65, 36-07-94; Маънавият 36-35-60; Туғил муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г - 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми - 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Газета ИВМ компьютерда терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир - И. Худоев. Навбатчи - Ф. Шермухаммад. Мусоҳиҳ - Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмадонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босингга топшириш вақти-21.00 Босингга топширилди - 21.30 1 2 3 4 5 6